



## IMOM MOTURIDIY

XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI  
INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CENTER

المركز الدولي للبحوث العلمية

Jurnalga maqolalar qabul qilish  
uchun maxsus veb-sayt:

[www.maturidijournal.uz](http://www.maturidijournal.uz)

+998971 244-35-36

[www.moturidiy.uz](http://www.moturidiy.uz)

@moturidiyuz

info@moturidiy.uz

Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal

ISSN 2181-1881



# MOTURIDIYLIK

THE MATURIDIYYA - الماتريدية - МАТУРИДИЗМ

Narsalarning asl mohiyatini  
bilishga olib boradigan yo'llar - hissiy anglash,  
rost xabar va aqldir.



# MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريدية - Матуридизм



## ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

**Музаффар КОМИЛОВ** – тарих фанлари номзоди, доцент

**Нуриддин ХОЛИҚНАЗАРОВ** – Ўзбекистон муслмонлари идораси раиси, муфтий

**Шоазим МИНОВАРОВ** – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори

**Давропбек МАХСУДОВ** – тарих фанлари доктори, доцент

**Зоҳиджон ИСЛОМОВ** – филология фанлари доктори, профессор

**Аҳаджон ҲАСАНОВ** – тарих фанлари доктори, профессор

**Шовосил ЗИЁДОВ** – тарих фанлари доктори, доцент

**Жамолиддин КАРИМОВ** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Аҳмад Саъд ДАМАНҲУРИЙ** (أحمد سعد الدمنهوري) – илоҳиёт фанлари доктори

**Маҳмуд Эрол ҚИЛИЧ** (Mahmud Erol KILIÇ) – доктор, профессор, IRCISA Бош директори

**Назир Мухаммад АЙЁД** (نظير محمد عياد) – илоҳиёт фанлари доктори, Ал-Азҳар мажмуаси Ислом тадқиқотлари академияси Бош котиби

**Режеп ТУЗЖУ (Reser Tuzcu)** – илоҳиёт фанлари доктори, профессор, Салжук университети ҳузуридаги Имом Мотуридий тадқиқот маркази директори

**Аширбек МУМИНОВ** – тарих фанлари доктори, профессор, IRCISA Бош директорининг дастурлар бўйича маслаҳатчиси

**Камалуддин Нурдин МАРЖУНИ (Kamaluddin Nurdin Marjuni)** – илоҳиёт фанлари доктори, Малайзия ислом фанлари университети кафедра мудири

**Дониёр МУРАТОВ** – тарих фанлари номзоди, доцент

**Одил ЭРНАЗАРОВ** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари  
бўйича қўмитасининг 2023 йил 8 июньдаги  
03-07/4601-сонли хулосаси асосида тайёрланди.



### Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ

Бош муҳаррир:

**Жамолиддин Каримов,**

*Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Масъул муҳаррир:

**Зафар Фахриддинов,**

*Исломишунослик фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD)*

Саҳифаловчи:

**Зарифжон Арслонов**

Дизайнер:

**Зарифжон Ғуломов**

“Мотуридийлик” журнали

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация  
комиссиясининг 2021 йил 30 декабрдаги 310/10-  
сон қарори билан диссертация асосий илмий  
натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий  
нашрлар рўйхатига киритилган.

Журнал 2021 йил 12 декабрда Ўзбекистон  
Республикаси Президенти Администрацияси  
ҳузуридаги Ахборот ва оммавий  
коммуникациялар агентлиги томонидан  
№1139 рақами билан рўйхатга олинган.

Тахририят манзили:

Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани,  
Абдулла Қодирий кўчаси, 11-уй.

**E-mail:** maturidijournal.uz

**Web-sahifa:** info@motturidijournal.uz

Телефонлар: (+99871) 244-35-21,  
(+99871) 244-35-47

## МУНДАРИЖА

### ИСЛОМШУНОСЛИК

**Ibrohim Usmonov.**

Шариат ва тасаввуф: герменевтик ёндашувлар (Ҳаким Термизий асарларида юридик герменевтика)..... 4

**Zafar Fakhriddinov.**

Ҳаким Термизийнинг тафсир ва таъвил борасидаги қарашлари ..... 13

**Numonjon Turayev.**

Имом Бухорийнинг “ат-Тарих ал-кабир” асаридаги “тафарруд ар-ровий”га доир услуби..... 20

**Doston Mustafayev.**

“Ҳошия ала ал-Кашшоф” асарининг тафсиршуносликдаги аҳамияти ..... 28

### ДИНШУНОСЛИК

**Komiljon Shermukhammedov.**

Мисрдаги “Муслмон биродарлар” таъсирида шаклланган экстремистик ҳаракатлар: қиёсий таҳлил ..... 36

**Shukrullo Jurayev.**

Муҳаммад Шайбоний асарларида тинчлик тамойилларининг акс этиши ..... 46

**Dilfuza Zakirova.**

Динлардаги таъқик тушунчасига доир қарашлар таҳлили ..... 55

**Elyorjon Saminov.**

Радикализм – экстремизм ва терроризмга элтувчи сўнгги босқич ..... 63

### ИСЛОМ ТАРИХИ

**Muzaffarkhon Joniyev.**

Совет даврида Ўрта Осиё муслмонларининг ҳаж сафарлари (1920-1930 йиллар)..... 70

**Oybek Sotvoldiyev.**

Табақот жанрининг юзага келиш ва ривожланиш тарихи ..... 80

**Sayqal Ahmedov.**

Мовароуннаҳр мўғуллар ҳукмронлиги даврида ..... 87

### ИСЛОМ МАНБАШУНОСЛИГИ

**Doniyor Muratov.**

Абдуллоҳ Субазмуний ва унинг “Кашф ал-Осор” асари ..... 94

**Mas’udkhon Ismoilov.**

Хожа Муҳаммад Порсо “Ҳафтоду се фирқа” рисоласининг исломдаги фирқаларни ўрганишдаги аҳамияти ..... 104

**Zokhidjon Abdullayev.**

Имом Бухорийнинг “Халқ афъол ал-ибод” асари ва унинг ёзилиш услублари ..... 112

**Saidmuhammadkhon Muhibullayev.**

Камолиддин Баёзий Таржимаи холи ва яшаган давридаги илмий, ижтимоий ва сиёсий муҳит ..... 122

**Maftuna Muminova.**

Navoiy asarlarida ustoz-shogird g’oyalarning manbaviy va milliy asoslari..... 130

**Malika Nosirova, Saidakhon Asqarova.**

Mahmud Zamaxshariyning “al-Mufassal fi san’at al-e’rob” asaridagi she’riy parchalar tasnifi ..... 137

**Muzaffarkhon F. JONIYEV,**  
*Acting Director of Imam Tirmidhi  
International Scientific Research Center.  
Shimoliy darvoza str 3, 90108, Termez, Uzbekistan.  
E-mail: [jmuzaffarhan@gmail.com](mailto:jmuzaffarhan@gmail.com)*

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2023-2/9

**СОВЕТ ДАВРИДА ЎРТА ОСИЁ  
МУСУЛМОНЛАРИНИНГ ҲАЖ  
САФАРЛАРИ (1920–1930)**

**THE PILGRIMAGE OF THE  
MUSLIMS OF CENTRAL ASIA IN  
THE SOVIET PERIOD (1920–1930)**

**ПАЛОМНИЧЕСТВО МУСУЛЬМАН  
СРЕДНЕЙ АЗИИ В СОВЕТСКИЙ  
ПЕРИОД (1920–1930)**

**КИРИШ**

Россия Империяси мустамлакачилиги даврида (1865-1917) Туркистонда олиб борилган бошқарув сиёсати исломга нисбатан таъқиқ даражасидаги қатъий қарорлар қабул қилмаган. Ислом дини ва мусулмонларга қарши қатъий чоралар Туркистон аҳолиси ўртасида кескин норозиликлар ҳамда қаршиликларга сабаб бўлишини инobatга олиб, мустамлакачилар бу борада “эҳтиёткорлик” сиёсатини олиб боришган.

**АСОСИЙ ҚИСМ**

1917 йил февраль инқилобидан сўнг Россияда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлашга қаратилган бир қатор қонунлар қабул қилинган. Қисқа вақт давомида давлат бошқарувини ўз қўлига олган Муваққат ҳукумат даврида виждон эркинлиги эълон қилиниши православ кадриятлари устун бўлган Россия учун муҳим тарихий воқеа ҳисобланган. Февраль инқилобидан сўнг эълон қилинган тенглик, эркинлик, истиқлол ҳақидаги чақириқлар ҳамда амалга оширилаётган демократик ислохотлар империянинг мазлум халқлари билан бир қаторда, Россия империясининг мустамлакаси бўлмиш Туркистон ўлкасида ҳам кўтаринки руҳда қаршилланган.

1917 йилнинг 14 июлида Муваққат ҳукумат томонидан қабул қилинган “Виждон эркинлиги тўғрисида” махсус Қонунга мувофиқ, фуқароларга диний эркинликлар берилган. Хусусан, мамлакатдаги барча динларнинг қонун олдида баробарлиги, фуқароларнинг қандай динга эътиқод қилишидан қатъий назар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгаллиги ҳамда барча ҳуқуқ ва бурчлардан фойдаланиши, унга риоя этиши кабиларни айтиш мумкин. Аммо қонунда динга қарши сиёсат ва диний ибодатларнинг таъқиқланиши ҳақида ҳеч қандай сўз юритилмаган (Алексеев В., 1991:17).

1917 йилнинг октябрь ойи охирида Петербургда амалга оширилган инқилобий давлат тўнтариши ва Муваққат ҳукуматнинг ағдарилиши, Туркистондаги сиёсий жараёнларга ҳам ўз таъсирини ўтказган. 1917 йилнинг 1 ноябрида Туркистонда совет ҳокимияти ўрнатилгани эълон қилинган. Ушбу кунда большевиклар Термиз ва Каттакўрғонда, 25 ноябрда Янги Бухорода (Когон), 28 ноябрь куни Самарқандда, 7 декабрда эса, Наманганда ҳокимиятни ўз қўлларига олганларини эълон қилганлар. Тошкент Совети ижроия қўмитаси томонидан ҳокимиятнинг қўлга олиниши ўлкада большевистик тартибнинг ўрнатилишига катта замин ҳозирлаган.

Туркистон ўлкасида советлар ҳокимияти ўрнатилган илк кунларда ҳукумат “дабдабали” декларация ва мурожаатномалар эълон қилиш орқали аҳоли орасида ўз режимларига ижобий муносабат уйғотишни мақсад қилган. Хусусан, 1917 йил 2 ноябрда эълон қилинган “Россия халқлари ҳуқуқлари декларацияси” ва мазкур йилнинг 20 ноябрида қабул қилинган “Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига мурожаатнома”сида фуқароларнинг тенглиги, бошқа халқларнинг эса мустақил давлат тузиш ҳуқуқи, миллий, диний эркинликлар каби ҳақ-ҳуқуқлари расмий равишда баён қилинган. Жумладан, мазкур мурожаатномада, “Россия мусулмонлари, Волгабўйи қрим татарлари, Сибирь ва Туркистоннинг қирғиз сартлари... сизнинг дин ва урф-одатларингиз, сизнинг миллий ва маданий муассасаларингиз бундан буён эркин ва дахлсиз, деб эълон қилинади” (Ражабов & Ҳайдаров, 2002:43), дейилган. Аммо ушбу Мурожаатномада келтирилган ҳақ-ҳуқуқлар, тарихий маълумотларга қаралса, фақат XX асрнинг 20-йилларидагина амал

**Аннотация.** Дунёдаги мусулмон халқларнинг ўзаро илмий, маданий алоқалари тарихида ҳаж сафарлари алоҳида ўрин эгаллайди. Ҳаж зиёрати барча мусулмонлар учун умумий тартиб-қоидаларга эга бўлса-да, тарих давомида уни ташиқил этишининг минтақавий хусусиятлари мавжуд бўлиб келган.

XIX аср охири – XX аср бошларида Россия империясининг бошқаруви остида мураккаб жараёнларни бошидан кечирган Туркистон мусулмонлари ҳаж зиёратининг 1917 йил октябрь инқилобидан сўнг янги босқичга ўтиши кутилган.

XX асрнинг 20-йилларида Советлар ўз гояларини тарқатиши йўлида ҳожилардан ҳам фойдаланишга ҳаракат қилганлар. Совет ҳукумати томонидан ташиқил этилган пароходларда Макка ва Мадинага борган зиёратчилар Англия, Франция ва бошқа мустамлакачи мамлакатлар қўл остида яшаётган халқлар орасида коммунизм гояларини тарқатиши ва Совет давлатини танитишига жалб этилган. XX асрнинг 20-йилларининг охиридан Совет ҳукумати барча диний маросимлар билан бир қаторда, ҳаж сафарларига ҳам сунъий тўсиқлар қўя бошлаган ва 30-йиллардан бошлаб, Ўрта Осиё мусулмонларининг ҳаж сафарлари бутунлай чекланган.

Мақолада XX асрнинг 20-30 йилларида Марказий Осиё минтақасида Совет ҳокимияти ўрнатилган диний-ижтимоий жараёнлар ҳаж сафарлари мисолида таҳлил қилинган.

**Калим сўзлар:** ҳаж, Макка, Мадина, Туркистон, Ҳижоз, Усмонийлар давлати, Яқин Шарқ, Совет Иттифоқи, Жидда, фатво.

**Abstract.** Pilgrimage (hajj) occupies a special place in the history of mutual scientific and cultural ties between the Muslim peoples of the world. While the pilgrimage remains a common practice for all Muslims, there have been regional variations throughout history.

After the October Revolution of 1917, it was expected that the pilgrimage of Turkestan Muslims, who had experienced complex processes under the rule of the Russian Empire in the late 19th and early 20th centuries, would enter a new stage.

In the 20s of the 20th century, the USSR tried to use pilgrims to spread their ideas. The pilgrims who went to Mecca and Medina on ships organized by the Soviet government were engaged in the dissemination of the ideas of communism and propaganda of the Soviet state among the peoples living under the control of England, France, and other colonial countries. At the end of the 20s of the 20th century, the Soviet authorities began to introduce artificial barriers for pilgrimage, along with all religious rites, and from the 30s, the pilgrimage of Central Asian Muslims was completely limited.

The article analyzes the religious processes after the establishment of Soviet power in Central Asia in the 20s and 30s of the 20th century using the example of pilgrimage.

**Keywords:** hajj, Mecca, Medina, Turkestan, Hijaz, Ottoman Empire, Middle East, Soviet Union, Jeddah, fatwa

**Аннотация.** Паломничество (хадж) занимает особое место в истории взаимных научных и культурных связей мусульманских народов мира. Несмотря на то, что паломничество остается общей процедурой для всех мусульман, на протяжении различных периодов истории существовали региональные особенности его организации.

После Октябрьской революции 1917 года ожидалось, что паломничество туркестанских мусульман, переживших сложные процессы под властью Российской империи в конце XIX - начале XX веков, выйдет на новый этап.

В 20-е годы XX века советское правительство пыталось использовать паломников для распространения своих идей. Паломники, отправлявшиеся в Мекку и Медину на пароходах, организованных правительством, занимались распространением идей коммунизма и пропагандой Советского государства среди народов, живших под контролем Англии, Франции и других колониальных стран. В конце 20-х годов XX века советская власть стала вводить искусственные барьеры для паломников, наряду с другими религиозными обрядами, а с 30-х годов паломничество среднеазиатских мусульман было полностью попало под запрет.

В статье проанализированы религиозные процессы после установления советской власти в Средней Азии в 20-е и 30-е годы XX века на примере паломничества.

**Ключевые слова:** хадж, Мекка, Мадина, Туркестан, Хиджаз, Османская империя, Ближний Восток, Советский Союз, Джидда, фетва.

қилганини гувоҳи бўлиш мумкин. Чунки мазкур йилларда совет ҳукумати ҳарбий, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан анча заиф бўлган. Шу нуқтаи назардан, ҳукумат миллий ва диний масалаларда кескин қарорлар қабул қилишдан тийилган. Ушбу йилларда Совет ҳукумати томондан қабул қилинган мусулмонларнинг ҳақ-ҳуқуқлари борасидаги қонунлар ва мурожаатномалар Британия, Франция каби давлатларнинг мустамлакаси остида бўлган Ҳиндистон ва Яқин Шарқ минтақасидаги мусулмонларнинг ҳам эътиборини ўзига жалб қилмай қолмаган. Ҳатто, Ҳиндистон ва Яқин Шарқдаги таъқибга учраган мусулмон уламоларини Совет ҳукумати муносиб кутиб олди (Бигиев М., 2006:145).

Барча диний эркинликлар билан бир қаторда, ҳаж масаласида ҳам Совет ҳукумати 20-йилларнинг бошида “юмшоқлик” йўлини тутган. Туркистон мусулмонлари ҳаж йўлларида фойдаланган ҳолда ҳеч қандай тўсиқ ва таъқиқларсиз Макка ва Мадинага сафарларини давом эттирганлар. Аммо Биринчи жаҳон уруши натижасида, Усманийлар империясининг мағлублар томонида қолиши ва Россия империяси тугатилиши оқибатида ҳаж йўллари ҳам назоратсиз қолган. Айниқса, Шимолий денгиз йўлларида уруш тугаганига қарамай, унинг хавфи ҳамон ҳукмрон бўлган. Шу сабабли, туркистонлик ҳожилар Шимолий йўллардан эмас, асосан, Афғонистон, Эрон орқали ўтувчи куруқлик йўли ва Ҳиндистон орқали ўтувчи Жанубий денгиз йўлидан фойдаланганлар (Қизил Ўзбекистон, 1925). Ушбу ҳолат 1920 йилда Бухоро амирлиги тугатилгандан кейин ҳам давом этган.

XX аср бошларида усманийлар султонлигининг заифлашиб бориши султонлик назоратида бўлган Ҳижоз минтақасида араб миллий-сиёсий ҳаракатларининг бошланишига туртки бўлган. 1916 йилнинг ёзида Ҳижоз амири Шариф Ҳусайн ибн Али ибн Али (1853–1931) ўзининг Усманийлар султонлигидан мустақил монархия бошқарувига асосланган давлат тузгани тўғрисидаги баённомасини эълон қилган. Усманийлар эса, Ҳижоз амирлигига Шариф Али Ҳайдарни тайинлаган, бунга жавобан, Ҳусайн ибн Али Маккага ҳужум қилиб, шаҳарда ўз назоратини ўрнатган. Шунингдек, инглизлар ёрдами билан Ҳусайн ибн Али Жидда ва Тоиф шаҳарларини, унинг ўғли Файсал бошчилигидаги кўшин Мадина шаҳрини эгаллаган. 1916 йилнинг 28 октябрида Ҳарам Масжидида ташкил этилган

бир йиғилишда, Ҳусайн ибн Али ўзини қирол, деб эълон қилган. Ҳусайн ибн Али бутун Араб яриморотида қирол бўлишга уринса-да, Британия ва Франция уни фақатгина Ҳижоз қироли сифатида тан олган. Ҳусайн ибн Али қироллигини тан олган илк мамлакат Россия Империяси бўлган (Nizamoglu, 2013:123). Шу тариқа, Ҳижоз ҳудуди Ҳусайн ибн Али назоратига ўтган. Ҳижоздаги ушбу сиёсий жараёнлар Макка ва Мадинага келадиган зиёратчилар оқимида ҳеч қандай таъсир ўтказмаган. Чунки туркистонлик ҳожиларни ташиш ҳисобидан даромад оладиган денгиз йўловчи компанияларининг аксар қисми инглиз ва русларга тегишли бўлган.

Россия империяси даврдан буён ҳожиларни ташиш ҳисобидан пароход компаниялари катта фойда кўриб келаётган эди. Инқилобдан сўнг матбуотда ушбу ҳолатга алоҳида эътибор қаратилган, жумладан, “Қизил Ўзбекистон” газетасида, пароход компаниялардан “Робит” ҳамда “Кўнгилли флот” компаниялари ҳаж мавсумида зиёратчиларни Одесса орқали Байрут ва Жиддага олиб боришдан катта фойда кўргани қайд этилган. Масалан, “Робит” компаниясининг ўзи бир йиллик ҳаж мавсумининг ўзидан 2 миллион рублгача соф фойда кўргани таъкидланган (Қизил Ўзбекистон, 1925).

Советлар томонидан иттифоқ ташкил этилган илк йилларда диний расм-русумлар ва ибодатларга қатъий таъқиқлар қўйилмаган бўлса-да, XX асрнинг 20-йиллари ўрталаридан бошлаб, давлат томонидан назоратга олинган. Мазкур йилларда советлар асосий босимни аҳолининг аксар қисмини ташкил этувчи православ ва мусулмонларга қаратганлар. Дастлабки йилларда назорат у қадар кескин бўлмаган, чунки Биринчи жаҳон урушидан каттагина талофат билан чиққан ва 1920 йилнинг бошларидаги оғир иқтисодий инқироз – Совет Иттифоқи ҳукуматининг мўътадил диний сиёсат олиб боришга мажбур қилган, дейиш мумкин.

Биринчи жаҳон уруши ва Россия миқёсидаги очарчилик натижасида Совет давлати ҳам 1920 йилнинг ўрталарига қадар диний ва миллий масалаларда “эҳтиёткорлик” йўлини тутган. Мазкур йилларда ҳукуматнинг ўз мафқурасини сингдиришида унга даврий матбуот асосий восита вазифасини ўтаган. Аҳолини Макка ва Мадинага боришдан совитиш ва кўрқитиш мақсадида, даврий нашрларда турли мақолалар эълон қилиб борилган. XX асрнинг биринчи чорагида Ҳижоз минтақасидаги диний-сиёсий

бекарорлик бўрттирилиб, Туркистон аҳолисини ҳаж зиёратидан тўсишга урунишлар бўлганини кузатиш мумкин. Хусусан, “Иштирокиюн” газетасининг 1919 йилдаги сонида Муҳаммад Баракатуллоҳ Бҳавфолий Ҳиндий<sup>1</sup>, Қози Абдурашид Иброҳим, Шайх Саъид Аслий Шомий ва Мулла Муҳаммад Султон Хўжандийнинг имзоси билан Макка ва Мадина шаҳарлари инглиз, француз, итальян ва баъзи арабларнинг иттифоқи қўлига ўтиши муносабати билан ислом фарзларидан бири – ҳажнинг мусулмонлардан вақтинчалик соқит бўлиши ҳақидаги фатво араб ва ўзбек тилларида эълон қилинган (Шомий, 1919). Аммо кейинчалик, ушбу фатво Туркистон уламолари орасида катта тортишувларга сабаб бўлган. Хусусан, фатвога имзо чекканлар қаторида саналган Шайх Саъд Аслий Шомий (1870–1932)<sup>2</sup> ва Мулла Муҳаммад Султон

<sup>1</sup> Муҳаммад Баракатуллоҳ Бҳавфолий – 1859 йилда Ҳиндистоннинг Бховпал шаҳрида туғилган. Лондонда ўқиб юрган вақтида Ҳиндистонда инглиз мустамлакачилигига қарши фикрлари билан танилган ва 1907 йилда Англиядан қувғин қилинган ва бир неча йил АҚШда яшаган. 1909-1914 йилларда Япониянинг Токио университетида форс ва урду тилларидан дарс берган ва инглиз мустамлакачилигига қарши “Мусулмон бирлиги” газетасини нашр эттирган. Инглиз ҳукуматининг босими билан Муҳаммад Баракатуллоҳ Токио университетидан АҚШга кетган. 1915 йилда Кобулда Ҳиндистонлик муҳожирлар томонидан ташкил этилган Ҳиндистон миллий конгресси аъзоси бўлди. Буюк Британия мустамлакачилигига қарши Германия, Россия, Афғонистон ҳукуматларини ушбу йўлда ҳамкорликка чақирди. Афғонистонда яшаб юрган пайтида, амир Омонulloҳхон (1892–1960) яқин маслаҳатчиси бўлган Муҳаммад Баракатуллоҳ Россиядаги октябрь инқилоби ва Халқ комиссарлари советининг “Россия ва Шарқ мусулмонларига” мурожаатномасидан таъсирланди ва совет ҳукумати билан яқинлашишга ҳаракат қилган. Айниқса, амир Омонulloҳхонга РСФСР билан яқин иттифокда бўлиш борасида таклифлар берди. Совет ҳукумати билан ҳамкорлик имкониятларини ўрганиш мақсадида 1919 йилнинг баҳорида Москвага ташриф буюрган. Ушбу йилнинг 7 май куни В.И. Ленин билан учрашиб, РСФСР ва Афғонистон ҳамкорлиги масалалари ва Британиянинг Ҳиндистондаги мустамлакачилик сиёсати борасида музокара олиб борган. 1919 йилнинг октябрь-ноябрь ойларидаги ташрифида Қизил армиядаги мусулмонлар томонидан “Мусулмон дунёси ва Совет ҳукумати” номи остида Москвада ташкил этилган намойишда нутқ сўзлаган. Шунингдек, ушбу ташрифи давомида татар ва бошқирд мусулмонлари раҳбарлари билан ҳам учрашувлар ўтказган. Мазкур фатвога ҳам Москвага қилган иккинчи ташрифида имзо чеккан бўлиши мумкин (Хайрутдинов, 1977:209-212).

<sup>2</sup> Шайх Саъд ибн Муҳаммад ибн Абдулвоҳид ибн Али Ал-Аслий ат-Тараблуси ал-Шомий Ал-Димашкий 1870 йилда Ливаннинг Тараблус шаҳрида туғилган. Ал-Азҳар университетини тугатгач, Эрон, Афғонистон ва Кашмирда бир муддат яшагач, кейинчалик Шарқий Туркистонга кўчиб ўтди. Совет ҳукуматининг Шарқий Туркистондаги

Хўжандий ушбу фатвога имзо чекмаганларини билдириб, газетанинг кейинги сопларида маълум қилганлар. Жумладан, “Иштирокиюн” газетасининг 1919 йил 28 октябрь сонида Мулла Муҳаммад Султон Хўжандий ушбу фатво юзасидан эътирозини билдириб, қуйидагиларни баён қилган: «203 нумер “Иштирокиюн” газетасида ҳаж масъаласи ҳақида берилган фатвони кўруб, ҳайрон бўлдим. Чунки Абдурабб афанди мазкур ривоят (масала – М.Ж)ни Шомий домла ҳузуринда арз қилган вақтда камина ҳам онда эрдим. Мазкур ривоят шаръияи маҳкамада тасвиб кўрмаган (тўғирланмаган) имзо ҳам қилинмаган экан. Камина ҳам Шомий домла билан қилгонимиз йўқдир. Бизларга нисбат берилган фалонлар имзо қилдилар деган лафз ёлгон ва ифтиродир (туҳмат – М.Ж). Абдурабб ўз тарафидан ифтиро ва бўҳтон айтмишидир» (Хўжандий, 1919).

Шунингдек, газетанинг 1919 йил 29 октябрь сонида: «“Иштирокиюн” газетасининг ҳаж фаризаси ҳақидаги фатвода камина Муҳаммад Саид аш-Шомийнинг ҳам имзоси дарж<sup>3</sup> этилган. Ҳолбуки, ман керак бошқа Туркистон уламоси бу фатвога имзо қилгонимиз йўқдур...» (Хўжандий, 1919), дея мазкур фатво борасида Муҳаммад Саид Шомийнинг мактуби эълон қилинган. Шунингдек, газетанинг мазкур 29 октябрь сонининг биринчи саҳифасида ҳажнинг вақтинчалик соқит бўлиши ҳақидаги фатво кенгайтирилган шаклда Муҳаммад Баракатуллоҳ Бҳавфолий Ҳиндий, Қози Абдурашид Иброҳим имзоси билан “Иштирокиюн” газетасининг бош саҳифасида араб тилида эълон берилган. Фатвода Бақара сурасидаги “**Эсланг, Байтни (Каъбани) одамлар учун зиёратгоҳ ва хавфсиз жой қилиб қўйдик**” (Мансур, 2009:19) ояти ва ҳадислардан далил келтирилган ҳолда ҳажнинг вақтинчалик мусулмонлардан соқит бўлиши маълум қилинган. Шунингдек, ушбу фатвода ҳаж ибодатининг мусулмонлардан вақтинчалик соқит бўлишига сабаб қилиниб, Макка шарифи бўлмиш Ҳусайн ибн Алининг “расмий халифаликка”

консуллиги билан яқин алоқа ўрнатди. 1919 йилда эса мазкур консуллиқнинг ёрдами билан Тошкентга келди ва Хадра майдони яқинидаги Дастурхончи мадрасасида жойлашди. Маҳаллий аҳоли орасида Шомий Домла номи билан танилган олим, тасаввуф ва маҳаллий аҳоли орасида кенг тарқалган турли урф-одатларга қарши билдирган ўзининг танқидий фикрлари билан алоҳида ажралиб турган ҳамда бу борада турли фатволар бера бошлаган. Ўзбекистонда ўнлаб шогирдлар чиқарган Шомий домла 1932 йилда Хоразмда вафот этган (Muminov, 2007:249-260).

<sup>3</sup> Санаб ўтилган.

(усмонийларга – Ж.М.) исён қилиб, Англия, Италия ва Франциянинг ёрдами ҳамда назорати остида Ҳижозда мустақил бўлмаган бир давлат кургани қайд этилган. Фатво оятлар, ҳадислар ва олимларнинг фикрлари орқали асослашга ҳаракат қилинган (Иштирокиюн, 1919). Аммо статистик маълумотга эътибор қаратилса, фатводан фақатгина сиёсий мақсадларда фойдаланилгани намоён бўлади. Жумладан, 1918–1919 йиллардаги ҳаж мавсумида 22101 нафар, 1919–1920 йилларда 59370 нафар, 1920–1921 йиллардаги ҳаж мавсумида эса, янада кўпроқ, яъни 60786 киши Макка шаҳрига ташриф буюриб, ҳаж ибодатини адо этган (Vredenbregt, 1962:149).

1920 йилнинг бошларида Совет ҳукумати ҳажни бартараф этишга уринган бўлса-да, лекин ушбу уринишлар ошкора олиб борилмаган. Жумладан, Халқ Комиссарлар Советининг Ташки ишлар кенгаши комиссари Г.Чичерин, сиёсий бюродаги чиқишида қуйидагиларни баён қилган: “Давлат сиёсий бошқармасининг баъзи органлари СССР мусулмонларининг ҳаж зиёратига аралашига уринишмоқда. Натижада, СССР мусулмонлари ҳажга бориш мақсадида Афғонистон ва Ҳиндистон ҳудудларидан ўтувчи турли ноқонуний йўллардан фойдаланиб, душман таъсирига тушиб қолмоқдалар. Халқ Комиссарлар Советининг Ташки ишлар кенгаши халқнинг муқаддас жойларни зиёрат қилишига тўсқинлик қилишининг иложи йўқ, деб ҳисоблайди. Бу борада, энг маъқул йўл мусулмонларнинг ҳажга бориш имкониятини ўз ихтиёрларидан олишдир. Шу мақсадда “Совторгфлот” пароходларининг Қизил денгизга тўғридан-тўғри катновларини ташкил қилиш керак” (Носова, 2014:187). Мазкур фикрдан 1920 йилларнинг бошларида совет ҳукумати ҳаж сафарларини тўлалигича давлат назоратига олиш масаласи илгари сурилганини кўриш мумкин.

1923 йилда Совет ҳукумати томонидан расмий равишда Қрим, Кавказ ва Туркистон мусулмонларининг съездини ўтказишга ҳамда диний таълим олиш ва мусулмонларнинг ҳажга боришларига ҳам руҳсат берилган (Арапова & Косача, 2017:9). Аммо ушбу йилларда ҳажга борган ўзбекистонликларнинг сони, кимлиги ҳақида аниқ маълумотлар тадқиқот давомида учрамади.

XX асрнинг биринчи чорагида бутун дунёда кескин сиёсий ўзгаришлар даври бўлган. Россия ва Ўрта Осиё билан бир қаторда, Яқин Шарқ мамлакатлари, хусусан, Ҳижоз минтақасида

ҳам кескин сиёсий ҳаракатлар бошланган. Октябрь инқилобидан сўнг советлар Ҳижоздаги сиёсий ҳаракат етакчилари билан алоқалар ўрнатишга интиланганлар. Большевиклар Яқин Шарқ мамлакатларидаги инқилоб етакчиларига қарата мусулмонларнинг озодлиги борасида мурожаат қилганлар. 1917 йилнинг 20 ноябрида В.Ленин томонидан қабул қилинган “Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига” мурожаатномаси бир жиҳатдан Яқин Шарқ мамлакатларидаги инқилоб етакчиларига ҳам қаратилган эди. Бу ўз натижасини кўрсата бошлаганини 1921 йилнинг февраль ойида Эрон ва Афғонистон давлатлари билан Совет ҳукумати ўртасида дўстлик ҳамда биродарлик алоқаларининг йўлга қўйилганида кўриш мумкин. Шунингдек, 1922–1923 йилларда бўлиб ўтган Лозанна конференциясида Совет ҳукумати вакиллари ўзини Ҳижоз ҳукмдори сифатида эълон қилган Ҳусайн ибн Алининг конференциядаги вакили Нажий Аслий билан мулоқот ўтказишган. Учрашув давомида Халқ Комиссарлар Совети Ташки ишлар кенгаши комиссари Г.Чичерин икки мамлакат ўртасида дипломатик алоқаларни ўрнатиш масаласини ва Жидда шаҳрида Совет Иттифоқининг консуллик идорасини очиш масаласини кўтарган. Чунки 1895 йилда Россия империяси томонидан Жиддада ташкил этилган консуллик 1914 йилга келиб, ўз фаолиятини тўхтатган эди.

1923 йилнинг 18 декабрида Г.Чичериннинг И.Сталинга ёзган мактубида Ҳижозда Совет ҳукуматининг консуллик идораси очилса, бутун дунё мусулмонларининг маркази бўлмиш Макка шаҳрига келган мусулмонлар орасида тарғибот ишларини олиб боришда муҳим нукта бўлиб хизмат қилиши таъкидлаган. Мактубда уларнинг Ҳижозда консуллик очиш бўйича Ҳусайн ибн Алининг вакилларига берган таклифларига бироз тараддудланганлари ва Совет Иттифоқи билан дипломатик алоқаларни йўлга қўйиш борасида Британия ҳукуматидан кўрқатганликларини баён этган. Ушрашув давомида Ҳижоз делегацияси вакили Ҳабиб Лутфуллоҳ Москвага таклиф этилган (Наумкин, 1997:282).

Икки томонлама келишувлардан сўнг Совет ҳукумати томонидан Ҳижозда консуллик ташкил этиладиган бўлса, бош консул сифатида тавсия этилган номзод дипломат бўлиши билан бир қаторда, Макка шаҳрига кира оладиган, хожилар орасида Совет Иттифоқини танита оладиган мусулмон киши бўлиши қайд этилган. Ушбу

лавозимга Совет ҳукуматида фаолият юритган бир қанча номзодлар илгари сурилган. Г.Чичерин 1924 йилнинг 3 апрелида Совет ҳукуматининг Италиядаги элчиси Константин Юреневга ёзган мактубида, ушбу лавозимга энг муносиб номзод сифатида Совет Иттифоқининг Машҳад ва Решт шаҳарларида консул сифатида фаолият юритган Карим Ҳақимов (1892–1938) номзодини таклиф этган. Шу тариқа, Карим Ҳақимовнинг номзоди Совет ҳукуматининг Ҳижоздаги бош консули лавозимига тасдиқланган. У 1924 йилнинг 6 август куни Жиддага етиб бориб, Ҳижоз қироли Ҳусайн ибн Алидан ишонч ёрлиғини қабул қилиб олган ва Совет Иттифоқининг Ҳижоздаги бош консули сифатида ўз фаолиятини бошлаган.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Ҳусайн ибн Али Тоиф, Жидда, Макка ва Мадинадан иборат бир нечта шаҳарларни бирлаштириб, ўз ҳокимиятини курган эди. 1923 йилда Усманийлар султонлиги тугатилиб, Туркия Республикаси эълон қилинган, 1924 йилнинг март ойида Ҳусайн ибн Али ўзини Ҳижоз қироли, деб эълон қилган. 1924 йилнинг октябрь ойида амир Али ибн Ҳусайннинг Ташқи ишлар кенгаши раиси Ҳабиб Лутфуллоҳ бошчилигидаги Ҳижоз делегацияси Москвага ташриф буюради ва СССР МИК раиси М.Калинин билан учрашади. Учрашувда икки томонлама ҳамкорлик ва Ҳижоздаги вазият муҳокама қилинган (Туркистон, 1924). Марказий Арабистонда Ҳусайн ибн Али ҳукуматини тан олмай келаётган Абдулазиз ибн Сауд (1876–1953) бошчилигидаги иккинчи бир муҳолиф куч бор эди<sup>4</sup>. 1924 йилнинг 8 сентябрида Абдулазиз ибн Сауд кўққисдан Тоифга ҳужум қилиб, шаҳарни эгаллаган ва 16 октябрда Макка шаҳрида жангсиз ўз назоратини ўрнатган.

XX аср 20-йилларнинг бошларида ўзбек матбуотида ҳаж сафари билан боғлиқ муаммолар кўтарилиб турган. Масалан, “Қизил Ўзбекистон” газетасида ҳаж йўлларидаги муаммолар ҳақида қуйидагилар баён этилган: “...Илгари Одесса орқали Байрут-Жиддага бориш учун Туркия<sup>5</sup> сафоратхонаси<sup>6</sup>дан рухсат олиш билан битар эди, лекин ҳозирги вақтда унинг учун Туркия, Франция, Ингилтаранинг рухсатлари керакдир.

<sup>4</sup> Абдулазиз ибн Сауд 1918 йилнинг 2 мартида Усманийлардан мустақил Марказий Арабистонда ўз қироллигини эълон қилган эди. Шунингдек, у Шариф Ҳусайн ибн Алининг Ҳижоздаги ҳокимиятини ҳам тан олмади (Ж.М).

<sup>5</sup> Усманийлар (Ж.М).

<sup>6</sup> Элчихонаси (Ж.М).

Бу бўлса, ҳожиларга эски йўл билан боришга бир даража моне бўладир. Аммо ҳозирги кунда давлат пароходчилиги бу масалани ҳал қилишга киришиб, тегишли мамлакатларнинг сафоратхоналаридан ҳажга борувчилар учун рухсат олиш мумкинлиги тўғрисида маълумот йиғмоқда, масъаланинг яқин кунларда ҳал қилинишидан шубҳа йўқдур” (Қизил Ўзбекистон, 1925). Совет ҳукумати Жанубий йўлдан ҳажга борувчилар ҳақида маълумот олиш мақсадида Эрон, Афғонистоннинг транспорт вазирликлари раҳбарлари билан учрашувлар ўтказган. “Қизил Ўзбекистон” газетасида ушбу ҳолат, ҳаж сафарини ташкил этиш мақсадида, дея талқин этилган (Қизил Ўзбекистон, 1925) бўлса-да, аслида, Совет ҳукумати мазкур учрашувларни Ўрта Осиёдан ҳажга борувчилар ҳақида маълумот олиш ва ҳажни ўз назоратида сақлаш мақсадида ўтказган. Чунки XX аср 20-йилларининг бошларига қадар, Совет Иттифоқининг жанубий чегаралари тўлиқ назорат остига олинмаган эди, шу сабабли, ўн йилга яқин муддат ичида ҳеч қандай назоратсиз кўпчилик туркистонлик ҳожилар Жанубий йўллардан сафарларини амалга ошириб келаётган эдилар.

XX асрнинг 20-йилларида Ўзбекистон миллий матбуотида, ҳаж зиёрати, Макка ва Мадина ҳақидаги хабарлар узлуксиз равишда бериб борилган. “Туркистон” газетасининг бир нечта сонларида Ҳижоз минтақасидаги вазият мунтазам ёритилган. Айниқса, ўзини Ҳижоз амири, деб эълон қилган Ҳусайн ибн Али ва ўғли Али ибн Ҳусайннинг фаолияти ҳамда саудийлар билан бўлган тўқнашувлар ҳақида хабарлар эълон қилинган. Мазкур газетанинг 1924 йилнинг 26 октябрь ойдаги сониди, Ибн Сауднинг муқаддас шаҳарлар бўлмиш Макка ва Мадинани Ҳусайннинг қароқчилигидан ҳимоялаш ҳамда ушбу шаҳарларда тартиб ўрнатиш ҳақидаги Англиянинг “Рейтер” ахборот агентлигига айтган фикрлари ўзига хос карикатура билан эълон қилинган (Туркистон, 1924). “Туркистон” газетасининг 1924 йил 14 ноябрдаги сониди ҳам ваҳҳобийларнинг Жиддага ҳужум қилишга тайёрланаётгани ва Макка вакилларининг сулҳ тузиш борасидаги таклифлари Абдулазиз ибн Сауд томонидан қабул қилинмаётгани ва Жидда аҳолисининг шаҳарни ташлаб, чиқиб кетаётгани маълум қилинган (Туркистон, 1924).

Ҳижоз амири Али ибн Ҳусайн ва Саудийлар ўртасидаги келишмовчилик “Туркистон” газетасининг 1924 йил 4 ноябрь сониди эълон қилинган

бошқа бир мақолада батафсил таҳлил қилинган. Мақолада Шарқ инқилобчиларидан бўлган хиндистонлик Абу Саид Арабийнинг Москвада чиққан “Ишчи” газетасидаги мақоласи таҳлил қилинган. Хусусан, мақолада, саудийлар ва хусайнийлар ҳақида қуйидагилар баён этилган: “Ингилтара<sup>7</sup> дунё уруши замонидан<sup>8</sup> туркларнинг кучини синдириш мақсадида садақа нонини еб, умр кечириб турган бир араб шайхи Хусайнни Ҳижоз халифаси деб эълон қилди” (Туркистон, 1924), дея Хусайн ибн Али ҳукумати танқид қилинган.

Шунингдек, “Қизил Ўзбекистон” газетасининг 1925 йил 11 сентябрда эълон қилинган сонида Ҳижознинг Макка ва Мадина шаҳарларида вазият кундан-кунга беқарорлашиб бораётгани, Ҳижоз амири Али ибн Хусайннинг рақиблари – ваҳобийлар Маккага ҳужум қилган вақтда Эрон ҳукумати томонидан ибн Сауднинг оғохлантирилгани ва саудийлар Эрон ҳукуматини муқаддас шаҳарларга ҳужум қилмаслик, хожи-ларни ҳурмат қилиш ҳақида ишонтиргани қайд этилган. Саудийлар ҳозирги кунга келиб, ўз ваъдаларига хилоф равишда Хадича (р.а)-нинг қабрини вайрон қилишгани, Муҳаммад (с.а.в.)нинг қабрлари ва Ҳамза масжидини тўпга тутишгани, шу сабабли, 5 сентябрь куни бутун Эронда давлат миқёсида мотам эълон қилингани газетада маълум қилинган (Қизил Ўзбекистон, 1925).

Усманийлар султонлиги тугатилгач, кўп ўтмай, халифалик ҳам тугатилган эди. Муслмон олами халифалик масаласига ойдинлик киритиш мақсадида, 1926 йилнинг 13-19 май кунлари Мисрнинг Қоҳира шаҳрида “Муслмон олами халфалик конгресси” ўтказган. Мисрнинг Азҳар университети томонидан ташкил этилган конгрессда Миср, Тунис, Фаластин, Сурия, Жанубий Африка, Полша, Ҳиндистон, Ява ороллари каби мамлакатлардан ўттизга яқин делегация иштирок этган. Аммо Совет Иттифокидан вакиллар қатнашмаган.

1926 йилнинг июнь ойида Макка шаҳрида Ҳижоз қироли Абдулазиз ибн Сауд таклифи асосида муқаддас жойларни зиёрат қилиш, ободонлаштириш ва зиёратгоҳларни куриш масаласида конгресс ташкил этилган. Конгрессга Ҳиндистон, Сурия, Яман, Судан, Ява, Афғонистон, Миср, Совет Иттифокидан жами бўлиб, 70га яқин делегат иштирок этган (Арапова &

<sup>7</sup> Англия (Ж.М.).

<sup>8</sup> Биринчи жаҳон уруши (Ж.М.)

Косача, 2017:71). Совет Иттифокидан эса, 8 киши: делегация раҳбари, Марказий диний бошқарма бошлиғи муфтий Ризоуддин Фахриддинов ва ўринбосари Кашшоф Таржимонов, Қрим муфтийси Халил Муслиҳиддинов, Татаристон диний бошқармасидан Тагир Илясов, Астрахандан Абдурахмон Умеров, Петроповловск муслмонлари номидан Магдий Магкулов, Москва муслмонлари номидан Муса Бигиев ҳамда Тошкент диний бошқармаси вакили Абдулвоҳид Қори Абдурауф Қориев (1859–1937)<sup>9</sup> иштирок этган (Арапова & Косача, 2017:30). 1926 йилнинг ҳаж мавсумида бўлиб ўтган ушбу Макка конгрессида иштирок этган мазкур делегация Совет Иттифоқи муслмонларининг илк расмий ҳаж сафари сифатида ҳам эътироф этилган (Сибгатуллина, 2016). Маккада бўлиб ўтган конгресс бўйича 1926 йил сентябрь ойида “Қизил Ўзбекистон” газетасида Совет Иттифоқи делегацияси раиси муфтий Ризауддин Фахриддинов билан бўлган суҳбат эълон қилинган (Қизил Ўзбекистон, 1925).

XX асрнинг 20-йилларига қадар Совет Иттифоқи Ҳижоз минтақасига муслмонлар ҳаж ибодатини адо этиш учун ташриф буюрадиган жой сифатида қараб келган ҳамда Усманийлар султонлиги парчалангач, барқарорлик йўқолган бўлса-да, Арабистон яримороти халқаро аҳамиятга молик иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан муҳим нуқтага айланаётган эди.

## МУҲОКАМА

Совет Иттифоқи томонидан Ҳижоздаги вазиятнинг беқарорлигига қарамасдан, ўз қонуний идорасини очишга уринишини қуйидаги сабаблар билан изоҳлаш мумкин:

<sup>9</sup> Абдулвоҳид Қори Абдурауф Қориев 1859 йилда Тошкентда туғилган. 1907 йилда Россия империясининг Давлат думаси депутаты, 1909 йилда миллатчилик ва сепаратистик ғояларни тарғиб қилганликда айбланиб, империяси ҳукумати томонидан Тула вилоятида ҳибсга олинган ва беш йилга қамалган. 1917-1918 йилларда Туркистон жадидлари партияси бўлмиш Шўрои Исломия партияси раиси. 1919 йилдан бошлаб, у Совет ҳукумати билан ҳамкорлик қилиб, Хоразм Совет Республикасининг қурултойига сайловларни ўтказишда яқиндан ёрдам берган. 1921–1922 йилларда Туркистон Совет Республикаси Олий суди аъзоси бўлган Абдулвоҳид Қори Абдурауф Қориев 1933 йилда Совет ҳукумати томонидан ҳибсга олинади ва 1937 йилда ўлимга ҳукм қилинади (Ямаева, 1998:292).

Биринчидан, Ўрта Осиё хонликлари Россия империяси томонидан босиб олингач, Тошкент, Фарғона водийси, Самарқанд ва бошқа шаҳарлардан кўпгина маҳаллий обрў-этиборли кишилар Макка ва Мадина шаҳарларига кўчиб кетишган. 1920 йилда Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги тугатилгач, мазкур кўчиб кетувчилар сони янада ортган. Кўчиб кетганлар орасида маҳаллий зиёлилар, бойлар, амалдорлар, диндорлар кўпчиликни ташкил қилар эди. Шунингдек, ушбу йилларда иттифоқ ҳудудидан Макка ва Мадинага зиёратлар давом этаётганди. Шу сабабли, вазият зиёратчилар ва иттифоқ ҳудудидан чиқиб кетган муҳожирлар ҳаракатини назорат қилишни тақозо эта бошлаган.

Иккинчидан, Биринчи жаҳон урушидан сўнг, Усманийлар султонлигининг мағлуб давлатлар қаторидан жой олиши араб дунёсидаги сиёсий вазиятни кескин ўзгартириб юборган. Ҳижоздаги ушбу бекарорликдан фойдаланган ҳолда Совет Иттифоқи ўз ғояларини мусулмон оламининг маркази бўлмиш Макка шаҳрига ташриф буюрган зиёратчилар орасида тарғиб қилиш учун қулай бир фурсат деб билган.

XX аср 20-йилларининг бошида Одесса-Яффа йўналишлари бўйича икки ҳафтада бир пароход қатнаган. Матбуотда ҳожиларга ушбу пароходлардан фойдаланиб, Одесса-Яффа ва у ердан Байрут-Жиддага бориш мумкинлиги ҳам тавсия этилган. Одессадан тўғри Жиддага пароход ташкил этиш ҳам совет ҳукумати томонидан режалаштирилган (Қизил Ўзбекистон, 1925). Шу билан бир қаторда, ҳаж сафарларининг ташкил этилиши бўйича баъзи газеталарда эълон ҳам берилган. Жумладан, “Қизил Ўзбекистон” газетасининг 24 март сонида “Апрель ойида Маккага етказиш кампанияси бошланур” (Қизил Ўзбекистон, 1925) номли эълон берилган.

1928 йилнинг 26 апрелида СССР Халқ Комиссарлар Совети томонидан “Мусулмон зиёратчиларни СССР портларидан – Ҳижоз портларига олиб бориш ва қайтариб олиб келиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинган. СССР мусулмонлари “Тобольск” ва “Теодор Нетте” номли пароходларда 1928 йилнинг май ойида Жидда портига етиб борганлар (Носова, 2014:187). Пароходлар қатнови йўлга қўйилган бўлса-да, Биринчи жаҳон уруши ва XX асрнинг 20-йиллардаги очарчилик, иммиграция жараёнлари ҳамда колхозлаштириш сиёсати баҳонасида халқ мол-мулкнинг оммавий

равишда тортиб олиниши, ўз навбатида, Ўрта Осиё ҳудуди аҳолиси орасида каттагина маблағ талаб қиладиган ҳаж сафарини кескин камайтирган.

Ҳижоз сари йўлга қўйилган қатновлар курук расмиятчиликдан бошқа нарса эмас эди. Масалан, 1927 йилдаги ҳаж мавсумида Одессадан Маккага йўл олган татар маърифатпарварларидан Муса Бигеев (1874–1949) ўзининг ҳажномасида Совет савдо флотига (Совторгфлот) тегишли “Ильич” номли пароходда 337 кишидан иборат зиёратчилар орасида Совет Иттифоқидан фақатгина ўзи бўлганлиги, қолганлар эса хитойлик мусулмонлар эканини қайд этган (Хайрутдинов, 2018:19).

Совет пароходлари 1929 йилда Яман порт шаҳри бўлмиш Худайддан бир гуруҳ яманлик зиёратчиларни Жидда портигача келтиргани учун имом Яхё Муҳаммад Собик Иттифоқнинг Худайд портидаги вакили Н.Белкинга ўз миннатдорчилигини билдиргани (Носова, 2014:187) мазкур қатновларнинг шу йилда ҳам ташкил этилганини кўрсатади.

Одессадан Жиддага номигагина қатнаётган пароходлар қатнови 1930 йил бошларига келиб, батамом тўхтатилган. 1932 йилда Москвага ташриф буюрган Саудия Арабистони Ташқи ишлар вазири Файсал ибн Абдулазиз Совет Иттифоқидан ҳар йилги ҳаж мавсумига 15000 нафар мусулмонни қабул қилишга тайёр эканини маълум қилган (Ат-Турки, 2005:52).

1932 йилга келиб, Совет Иттифоқидан бирорта ҳам мусулмоннинг ҳаж ибодатини адо қилиш учун Макка ва Мадинага ташриф буюрмагани, бошқа мусулмон мамлакатлардан СССРга нисбатан жиддий эътирозларни туғдира бошлаган. Совет ҳукумати эса, ҳаж шахсий масала эканини, бунга давлатнинг дахл қилишга ҳеч қандай ҳаққи йўқлигини ва бир гуруҳ французлар ва инглизлар ҳожиларнинг Босфор ҳамда Дарданелл бўғозларидан ўтишларига рухсат бермаётганларини тушунтиришга ҳаракат қилган (Ат-Турки, 2005:52). Совет Иттифоқи, хусусан, Ўзбекистон ССРдан XX аср 20-йилларининг охириларидан эътиборан кескин камайган ҳаж сафарлари 1930 йиллардан эътиборан батамом тўхтаган. Ушбу ҳолатни Совет давлатининг ўша йиллардаги раҳбари 1928 йил 3 мартдаги нутқида “қулоқларга қарши кураш, динга қарши ҳал қилувчи кураш палласи” (Салмонов, 2015:61) эканлигини баён қилгандан сўнг 1927–1928

йиллардан бошлаб, Совет Иттифокида дахрийлик сиёсати ошкора олиб борилгани, динга қарши аёвсиз курашнинг бошлангани билан изоҳлаш мумкин.

### ХУЛОСА

Совет ҳукумати илк йилларда ҳаж сафарларига қарши муносабатини очик намоён қилмаган бўлса-да, матбуот орқали маҳаллий аҳолини ҳаж сафарларидан совитиш, қайтаришга доир турли мақолалар эълон қилиб борган ҳамда бу борада, маҳаллий ва хорижий диндорлардан ҳам фойдаланилган. Хусусий мулкнинг йўқ қилиниши, колхозлаштириш сиёсати XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб, Ўрта Осиё мусулмонларининг ҳаж сафарларининг ўз-ўзидан кескин камайишига сабаб бўлган. Совет ҳукумати барча диний маросимлар билан бир қаторда, ҳаж сафарларига ҳам сунъий тўсиқлар қўя бошлаган ва шу тариқа Совет Иттифокидаги барча мусулмонлар билан бир қаторда, Ўзбекистон мусулмонларининг ҳам муқаддас шаҳарлар бўлмиш Макка ва Мадинага қиладиган зиёратлари бутунлай тақиқланган.

### МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Алексеев В. (1991). Иллюзии и догмы. Москва: Политиздат.
2. Ат-Турки М. (2005). Саудовско-российские отношения в глобальных и региональных процессах (1926–2004). Москва: Прогресс.
3. Muminov A., (2007). Fundamentalist Challenges to Local Islamic Traditions in Soviet and Post-Soviet Central Asia . В Т. Uyama, Empire, Islam and Politics in Central Eurasia (стр. 249-260). Sapporo: Slavic Research Center, Hokkaido University.
4. Nizamoglu Y. (2013). 1917 Yilinda Hicaz Cephesi: Arap Isyaninin Yayilmasi ve Medine'nin Tahliyesi Programi . Bilig, 66, 123.
5. Vredembregt J. (1962). The Haddj: Some of its features and functions in Indonesia. Bijdragen tot de taalland-en volkenkunde(1).
6. Арапова Д., & Косача Г. (2017). Ислам и советское государство (По материалам Восточного отдела ОГПУ. 1926) (Т. 1). Москва: Litres.
7. Аслий Ш. (1919). Ал-Истифто, Ал-Фатаво. Иштирокиюн.
8. Аслий Ш. (1919). Хитоб ли аҳли-л-ийман. Иштирокиюн.
9. Аслий Ш. (1919). Шомий домланинг мактуби. Иштирокиюн.

10. Бигиев М. (2006). Женщина в свете священных аятов Благородного Корана. В А. Хайрутдинова, Избранные труды (Т. 2, стр. 173–178). Казан: Татар. Получено из [www.islam-portal.ru/upload/books/hatyn.doc](http://www.islam-portal.ru/upload/books/hatyn.doc)
11. Бутун дунё мусулмонларининг Маккада бўлгон конгреси ҳақида. (29 сентябрь 1926). Қизил Ўзбекистон.
12. Ваҳхобийлар бошлиғи Ҳижозда одил бир ҳукумат курмоқчи. (1924). Туркистон.
13. Мансур Ш. (2009). Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Тошкент : Тошкент ислом университети.
14. Наумкин В. (1997). Советская дипломатия в Хиджазе: первый прорыв в аравию (1923–1926 гг.). Арабские страны Западной Азии и Северной Африки (новейшая история, экономика и политика).
15. Носова Е. (2014). К вопросу о хадже советских мусульман. Вестник Кыргызско-Российского славянского университета.
16. Ражабов Қ., & Ҳайдаров М. (2002). Туркистон тарихи (1917–1924). Тошкент: Университет.
17. Салмонов А. (2015). Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг диний сиёсати: уйдирма ва тарих ҳақиқати. Тошкент: Tafakkur.
18. Сибгатуллина А. (2016). Хадж в 1920-е годы: “арабская весна”, дипломатические уловки Карима Хакимова и самоизоляция страны Советов. <https://realnoevremya.ru.:> <https://realnoevremya.ru/articles/42396>
19. Туркистон. (1924). Маккани олиш. Туркистон.
20. Туркистон. (1924). Ҳижоз элчиси Ҳабиб Лутфуллаҳ Москвада. Туркистон.
21. Ўзбекистон Қ. (1925). Макка ва Мадина тўғрисида мотам. Қизил Ўзбекистон.
22. Ўзбекистон Қ. (1925). Ҳаж йўли . Қизил Ўзбекистон.
23. Ўзбекистон Қ. (1925). Эълон. Қизил Ўзбекистон.
24. Хайрутдинов А. (2018). Республиканская Турция в дневниковых записях Мусы Бигеева . Minbar. Islamic Studies.
25. Хайрутдинов Р. (1977). Баракатулла в Советской России. Вопросы истории.
26. Хўжандий М. (1919). Идорага мактуб. Иштирокиюн.
27. Ямаева Л. (1998). Мусульманские депутаты Государственной думы России 1906–1917. Уфа.

### REFERENCES

1. Alekseev V. (1991). Illusions and dogmas. Moscow: "Politizdat" publishing house.
2. At-Turki M. (2005). Saudi-Russian relations in Global and regional processes (1926–2004). Moscow, Progress.
3. Muminov A. (2007). Fundamentalist Challenges to Local Islamic Traditions in Soviet and Post-Soviet Central Asia. In T. Uyama, Empire, Islam and Politics in Central Eurasia. Sapporo: Slavic Research Center, Hokkaido University.

4. Nizamoglu Y. (2013). The Hijaz Front in 1917: The Spread of the Arab Revolt and the Evacuation Program of Medina. "Bilig".
5. Vrednregt J. (1962). The Haddj: Some of its features and functions in Indonesia. *Bijdragen tot de taalland-en volkenkunde*.
6. Arapova D., & Kosacha G. (2017). Islam and the Soviet State (Based on the materials of the Eastern Department of the OGPU. 1926) (Vol. 1). Moscow: Liters.
7. Aslii S. (1919). Al-Istifto, Al-Fatavo. *Ishtirokiyun*.
8. Aslii S. (1919). Hitob li axli-l-iyman. *Ishtirokiya*.
9. Asliy Sh. (1919). Шомий домланинг мактуби. *Иштирокиюн*.
10. Bigiev M. (2006). A woman in the light of the sacred verses of the Noble Quran. In A. Khairutdinova, *Selected Works* (Vol. 2, pp. 173-178). Cauldron: Tatars. Received from [www.islam-portal.ru/upload/books/hatyn.doc](http://www.islam-portal.ru/upload/books/hatyn.doc).
11. The whole world is a Muslim in Mecca Congress. (September 29, 1926). "Qizil O'zbekiston".
12. The Wahhabi chief wants to build a just government in Hejaz. (1924). "Turkiston".
13. Mansur Sh. (2009). Translation and commentary of Qur'an's meaning. Tashkent: Tashkent Islamic university
14. Naumkin V. (1997). Soviet diplomacy in the Hejaz: the first Breakthrough into Arabia (1923-1926). Arab countries of Western Asia and North Africa (recent history, economics and politics).
15. Nosova E. (2014). To the question of the Hajj of Soviet Muslims. *Bulletin of the Kyrgyz-Russian Slavic University*.
16. Razhabov K., & Ikeidarov M. (2002). Turkistan historical (1917-1924 y.). Tashkent: Tashkent Islamic University.
17. Salmonov A. (2015). Soviet governments religion politics in Uzbekistan: Philosophy and historical truth, Tashkent; "Tafakkur".
18. Sibgatullina A. (2016). Hajj in the 1920s: "Arab Spring", diplomatic tricks of Karim Khakimov and self-isolation of the Soviet country. [https://realnoevremya.ru.:](https://realnoevremya.ru/) <https://realnoevremya.ru/articles/42396>
19. Turkistan. (1924). Occupation of the Mecca. "Turkiston".
20. Turkistan. (1924). Hejaz ambassador Habib Lutfullah in Moscow. "Turkistan" publishing house.
21. Uzbekistan, C. (1925). Mourning about Mecca and Medina. "Qizil O'zbekiston".
22. Qizil O'zbekiston. (1925) hadj way, Qizil Uzbekiston(86)
23. Qizil O'zbekiston. (1925) Advertisement., Qizil Uzbekiston.
24. Khairutdinov A. (2018). Republicanskaya Tursiya v dnevnikovikh zapisyakh Musi Bigeeva . *Minbar . Islamic Studies*.
25. Khairutdinov R. (1977). Barakatullah in Soviet Russia. *Questions of History*.
26. Khudjandiy M. (1919). Latter to the office. *Ishtirokiyun*.
27. Yamaeva L. (1998). Muslim deputies of the State Duma of Russia 1906-1917 . "Ufa" publishing house..



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ  
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНИНГ  
“МОТУРИДИЙЛИК” ЖУРНАЛИ

Мазкур нашр олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, докторантлари, мустақил тадқиқотчилари, магистрантлари, талабалари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Таҳририят фикри муаллиф нуқтаи назари билан бир хил бўлмаслиги мумкин.  
Журналдан кўчирма олинганда манба қайд этилиши шарт.

# MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريدية - Матуридизм

2/2023

Бош муҳаррир: **Ж.Каримов**

Муҳаррир: **З.Фахриддинов**

Нашр учун масъул: **З.Арслонов**

Чет тилларидаги матнлар муҳаррири: **О.Сотволдиев**

Дизайнер-саҳифаловчи: **З.Ғуломов**

**Манзилимиз:** Ўзбекистон халқаро ислом академияси Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази,  
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.

**Тел:** (+99871) 244-35-47, (+99871) 244-35-36. **Web:** www.maturidijournal.uz

**E-mail:** info@moturidiy.uz

Нашриётнинг лицензия рақами АІ № 0011. 06.05.2019 йил.

Босишга 27.06.2023 йил рухсат этилди. Бичими 60×84 ¼.

Ризограф усулда босилди. Шартли босма табағи 10,2.

Нашр табағи 10,4. Буюртма № 06.

Баҳоси шартнома асосида.

“Ўзбекистон халқаро ислом академияси ”  
нашриёт-матбаа бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.  
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.